



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG‘I

20 21 yil “18” 10

№ 251

Toshkent sh.

Тиббий жиҳозни балансдан балансга олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2004 йил 29 августда 1401-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 16 августдаги 101-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги Низоми ва Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2021 йил 30 июлдаги 01/2369-сонли хатига асосан буюраман:

1. Тошкент давлат стоматология институтига ажратилган стоматологик бор машина комплекти (*оборудование стоматологическое модель WZ-530 с принадлежностями и компрессором, год выпуска 2021*) балансдан балансга беғараз (бепул) бериш ва ҳисобдан чиқариш ишлари амалдаги қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2004 йил 29 августда 1401-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 16 августдаги 101-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Асосий воситаларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги Низоми асосида Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси балансига бепул ўтказиб берилсин.

2. Тошкент давлат стоматология институти клиникаси тиббий воситаларни балансдан балансга бепул бериш муносабати билан уларнинг қийматини баланс ҳисобдан чиқариш ишларини амалга оширсин.

3. Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ўрнатилган тартибда тиббий воситаларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида қабул қилиб олинишини ва ҳамда бухгалтерия ҳужжатларини расмийлаштириб, мақсадли фойдаланилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А.Азизов зиммасига юклатилсин.

Вазир

А. Хаджибаев